Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 30 МАЙ, ШАНБА

№ 51 (5647).
Баҳоси: обуначига 1 сўм, сотувда 1 сўм 50 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

28 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда «1992-1993 йилларда республика корхоналарида энг зарур ашёвий моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко шу ҳақда маъруза қилди.

Мажлисда, шунингдек республикадаги бир қанча олий ўқув юртларининг ректорлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этди.

ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент вилояти Зангиота ноҳиясидаги Акмал Икромов номли 45-ўрта мактабда Т. Н. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ташаббуси билан мактаблар, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари болалар муассасаларида таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш мақсадида «Замон, таълим ва тарбия» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида педагог олимлар, етакчи мутахассислар, вилоят халқ таълими бошқармаси, ноҳия халқ таълими бўлими ҳамда вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари, илғор ва новатор ўқитувчилар иштирок этдилар.

Тарих фанлари доктори, профессор Қ. Фозилхўжаев, педагогика фанлари докторлари, профессорлар А. Зуннунов, Э. Турдиқулов, пеагогика фанлари номзодлари Қ. Абдуллаева, М. Жабборов, Т. Стиркас ва бошқалар давра суҳбатига йиғилганлар билан оилада бола тарбиясининг замонавийлиги, оила ва мактаб ҳамкорлигининг янгича шакл ва услублари, ўқувчиларга бериладиган педагогик тарбиянинг замонавий услуби, ўқувчиларга экологик, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий тарбия беришнинг аҳамияти, ўқувчилар бўш вақтини тўғри ташкил этиш, оила ва мактабда болаларни тарбиялашда ҳадислардан фойдаланишнинг аҳамияти, дин тарихини ўқитиш каби мавзулар ҳақида фикр алмашишди.

Д. ХУЖАЕВА,
мухбиримиз.





Барча қатори Тошкентдаги 138-мактаб ўқувчилари ҳам фанлардан бир йил давомида олган билимларини яна бир бор чиғириқдан ўтказишмоқда.

Тасвирларда: болалар ўзбек тили ва математика фанлари бўйича имтиҳон топшириштпи.

Суратқаш А. ЧАПЛИГИНА.

ЎҚУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Билим масканларида узоқ кутилган давлат имтиҳонлари бошланди. Бунга Ҳамза ноҳиясидаги 230-мактаб жамоаси ҳам катта тайёргарлик билан келдилар. Мактаб раҳбари, биология фанлари номзоди Қобил Толипов ўқувчиларни битирув ва синфдан-синфга кўчирув имтиҳонларини яхши ва аъло баҳоларга топширишларига муваффақият тилади. Шундан сўнг у 11-синфга кириб, ёзма ишлар бўйича махсус хатжилдни очди.

— Бу йилги она тили ва адабиёт фанидан бўладиган имтиҳон аввалги йилдагиларидан фарқ қилади. Ўрта мактабни битирувчилар иншо ўрнига ёзма иш — диктант ёзадилар. Мақсад ягона: ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини, тил билиш савиясини (маданиятини) аниқлаш ва уларнинг билимларини холис баҳолашдир, — деди у.

Имтиҳон бўлаётган хона да гўё сукунат ҳукмрон жим-жит. Жимликни фақат имтиҳон олувчи-ўқитувчининг ёзма иш вариантини ўқиган овозигина бузади. Ўқувчилар жумлаларни бутун вужуди билан тинглаб ёзаётирлар. Ҳаяжонли дақиқалар...

Имтиҳон натижалари эълон қилинганда болаларнинг қувончи чексиз бўлди. «Мустақиллик —илм-маърифатдан» деб номланган, аммо тарбиявий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган мавзуда қалам тебратган ўқувчилардан Д. Пўлатова, Н. Абдувалиева, Г. Миродилова, М. Шаропова, М. Тўлабоев, Ш. Қурбоновлар «4» ва «5» баҳолар олишга муваффақ бўлишди.

10-«б» синфда ўтказилган адабиёт фани юзасидан оғзаки имтиҳонда ҳам бир сидра беш баҳо олганлар сони кўл бўлди. Имтиҳонга пишиқ ва пухта ҳозирлик кўрган ўқувчилардан Ж. Аҳмедов, Н. Байбаева, Р. Маюсупов, Ш. Нишонбоевлар ўз иқтидорларини намойиш этиб, аъло баҳоларга лойиқлигини яна бир карра исбот қилдилар.

Қидир ТЎЛА ўғли.
Тошкент шаҳри.

«БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ» ОЙНОМАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«Бошланғич таълим» ойномасини бозор иқтисодиёти қийин аҳволга солиб қўйди. Қоғоз нархи кўтарилди, босмахона, матбуот тарқатиш ҳаражатлари кескин ошди. Ойнома мухлисларининг қўллаб-қувватлашлари, халқ таълими вазирлигининг ёрдами туфайли «Бошланғич таълим» ойномаси 54 мингга яқин обуначиларига 1 июнга қадар етказиб берилди.

Ойнома яна олишни хоҳловчилар тезлик билан обуна бўлишлари зарур. Ҳозир вилоят, шаҳар, район ва бошқа матбуот тарқатиш бўлимларида обунага қабул қилиш бошлаб юборилган.

«Бошланғич таълим» ойномасининг янгича нархи 1 ойга 5 сўм, ойноманинг 2 та сони 1 та бўлиб чиқаётгани учун 6 ойга 15 сўм, индекси 75311.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

ТАРИХ ЎҚИТИШНИ МИЛЛИЙ АСОСДА ҚУРИШ МУАММОЛАРИ

Ректоратнинг ташаббуси билан институт олимлари томонидан миллий мактаб концепцияси ишлаб чиқилаётганлиги истиқбол сари қадам қўяётган Ўзбекистон жумҳуриятида ўрта ва олий таълим тизимини қайта қуриш, мутахассис кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришда, шубҳасиз, муҳим роль ўйнайди. Миллий мактаб тизимисиз ўрта ва олий мактабларда ўқитилаётган предметлар тизими ва шу ихтисослар бўйича бугунги кун талабига жавоб бера оладиган ўқитувчи кадрлар тайёрлаш муаммоларини тўғри ҳал қилиб бўлмайди.

Тарих факультети жамоаси ҳам ўз имкониятлари ҳамда миллий мактаб талабларидан келиб чиқиб, факультетда бундан кейин бир қатор ихтисосликлар бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлаш мумкин ва зарур, деб ҳисоблайди.

Маълумки, умумтаълим мактабларида 6—11-синфларда тарих 680 соат ўқитилади. 1991 йил 6 январдан бошлаб, 11-синфда инсон ва жамият курси (68 соат) ўқитила бошланди. Инсон ва жамият курси ҳозиргача ўқитиб келинган «Жамиятшунослик», «Совет давлати ва ҳуқуқи», «Оила этикаси», «Одобнома» каби предметларни ўз ичига олади.

1992 йил сентябрдан бошлаб инсон ва жамият курсини 8, 9, 10 ва 11-синфларда, уларнинг ҳар бирида 68 соатдан, жами 272 соат ўқитиш мўлжалланмоқда. Албатта, инсон ва жамият курси миллий мактаб тизими асосида қайта ишланиши, уни ўқитиш миллий асосга қўйилиши лозим.

Шундай қилиб, мактаб ўқув режаси бўйича тарих, инсон ва жамият курсларини ўқитишга минг соатга яқин вақт ажратилган. Агарда параллел синфларни эътиборга олсак, бу предметлар ҳар бир мактабда 4—5 минг соат давомида ўқитилади. Шунинг учун ҳам аввало, ўқитувчи учун шу икки ихтисосликни ўзи ҳам етарли, деб ҳисоблаймиз. Бироқ миллий мактаб концепцияси талабларини муваффақиятли амалга ошириш, бўлажак ўқитувчилардан эса ўзбек ёзуви ҳамда Ўзбекистон жумҳурияти заминини, фанни яхши билишни талаб қилади. Эски ўзбек ёзувини яхши билмаган ўқитувчи ҳам, республикамив жуғрофиясини билмаган ўқитувчи ҳам миллий мактаб талабини, яъни тарих, инсон ва жамият курсларини миллий асосга қуриш вазифасини амалга ошира олмайди.

Гап шундаки, 1929 йилда эски ўзбек ёзувини лотин имлоси билан, 1940 йилда рус алфавити билан алмаштирилиши натижасида талабалар авлодларимизнинг минг йиллик бой меросидан, анъаналаридан ажратиб ташланган эди. Бугунги кунда эски ўзбек ёзуви мутахассислари кам топилади. Бунинг устига Ўзбекистон жумҳурияти мустақиллик йўлини танлаб олди. Бу йўл авлодларимизнинг олижаноб инсоний фазилатларига, тарихий анъаналарига асосланадиган, уларни қайта тиклайдиган ва янги мазмун билан бойитадиган ижтимоий тараққиёт йўлидир. Эски ўзбек ёзувини билиш, бу соҳа бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш мактабда тарих, инсон ва жамият курсларини миллий асосга қуриш, ўқитиш самарадорлигини ошириш учунгина эмас, балки Ўзбекистон халқларининг умумбашарий аҳамиятига эга бўлган анъаналарини, бой меросини чуқур ўрганишга, жумҳуриятимиз мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Тарих ўқитувчисини эски ўзбек ёзуви бўйича қўшимча мутахассисликка эга бўлиши ҳам айни муддао. Эски ўзбек ёзувини яхши билган тарих ўқитувчиси халқимизнинг ҳозирги қадар яхши ўрганилмай келаётган минг йиллик бой меросини бемалол ўрганиш имкониятига эга бўлади. Айни пайтда тарих ўқитувчиси зарур бўлган тақдирда қўшимча мутахассисликни ҳам ишга солиб, эски ўзбек ёзувини ҳам ўқитавериши мумкин. Ана шуларни эътиборга олиб, тарих куллиёти қошида «Тарих ва қўшимча ихтисослик бўйича «Эски ўзбек ёзуви» бўлими»ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Худди шундай, тарих ўқитувчиси ўқитишни миллий асосга қуриши учун жумҳуриятимиз ҳудудини, унинг жуғрофик ўрни, бойликлари, имкониятларини, қисқаси, жуғрофиясини жуда яхши билиши лозим. Шундагина у жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ва маданий тараққиётининг сабабларини тўғри тушунтира олади. Жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнлар, воқеа ва ҳодисалар маълум шароитда содир бўлади, бу эса тарих ўқитувчисидан жуғрофия фанини яхши билишни талаб қилади, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шуларни эътиборга олиб, тарих куллиёти қошида «Тарих ва қўшимча ихтисослик жуғрофия» бўлими очилса, ана шу муаммоларни ҳал қилишга эришилади. Тарихчи ўқитувчилар тайёрлаш ишини такомиллаштиришга ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга қўшимча мутахассисликдан ҳам дарс бериш ҳуқуқи берилади. Тарих куллиёти қошида илгари бундай бўлим мавжуд бўлган. Бинобарин, куллиётда бу соҳада тажриба ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

ГЕОГРАФИЯНИ ЎРГАНАМИЗ

Таълим жараёнини янгилаш, уни юксалтириб, кўзланган мақсадга эришиш ҳам фақат муаллимларгагина боғлиқ. Ҳақиқат баҳслардагина туғилади, дейишади-ку, ахир! Биз ўқув йили якунланиши муносабати билан бир гуруҳ мутахассислар, география фани муаллимларининг ана шу фанни ўқитишдаги муаммолар ва бир соатлик дарсни ташкил этиш тажрибалари билан фикрлашдик.

Қуйида илғор, тажрибали география муаллимларининг шу ҳақдаги мулоҳазалари билан танишасиз.

П. ҒУЛОМОВ, ТошДД география куллиёти география таълими методикаси кафедраси нинг мудири, география фанлари номзоди, доцент. Р. ҚУРБОННИЁЗОВ, шу кафедра катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди, доцент:

— Бугунги кунда таълимдаги янгиланиш жараёни бошқа фанлар қаторида география мутахассислари олдига ҳам кўпгина талабларни қўймоқда. Чунончи, дарс ўтишнинг янгича услубларини жорий этиш, ҳар бир машғулот самарадорлигини ошириш каби долзарб вазифалар ана шулар жумласидандир.

Дарс таълим бериш жараёнининг асосий омили ҳисобланади. Таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги дарснинг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ. Масаланинг бу жиҳатларини инобатга олиб, узоқ йиллик кузатишлар, вилоятлардаги мактабларда география фанини ўтишдаги аҳволдан бизни мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

Ҳозир қайси фандан бўлса ҳам уни замон талаби асосида шакллантириб олиш юзасидан кўплаб фикрлар билдирилаяпти. Лекин жойлардаги аҳвол эса ҳамон эскичалигича қолиб кетаяпти. Жумладан, Жиззах вилоятида сафарда бўлиб, дарсларни кузатганимизда ўқувчилар шамол, пассат, муссон кабиларнинг географик аҳамиятини таърифлай олмадилар. Ёки худди шу вилоятдаги яна бир мактабда ўқувчилар ҳам, ўқитувчи ҳам шамолнинг ҳосил бўлиши, харитадаги шартли белгилар ҳақида ҳеч бир маълумотга эга эмаслиги аён бўлди.

Бу мисолларни келтиришдан мақсадимиз ўқувчини билимсизликда айблаш эмас, балки ўқитувчининг дарс ўтишни ташкил этолмаслигидаги айрим нуқсонларни очиқчасига айтишдан ибрратдир.

Биринчидан, кўпчилик география фани мутахассислари дарсда таълим жараёнини тўғри режалаштиришни билишмайди. Иккинчидан, амалий машғулотларнинг сифати паст. Баъзан эса амалий машғулотларда бажарилиши лозим бўлган ишлар ўқитувчи ҳикояси билан алмаштирилади. Бунда биз ўқитувчи ҳикоясига қарши эмасмиз, лекин вақт ўтиши учун ўйлаб топилган турли бўлди-бўлмади ҳикоялар ўқувчи меъдасига тегишини ҳам унутмаслик лозим. Шунингдек, ўқувчилар билимини аниқлаш, баҳолаш мезони ҳам ҳамон эскичалигича қолиб келмоқда.

Бизнинг назаримизда энди бундай йўсинда дарс ўтиш келажакда самарасиз бўлиб қолиши аниқ. Шу боисдан ҳам баъзи таклифларимизни ўртага ташламоқчимиз. Биринчидан, ўқитувчи дарсда, айтайлик, «Қора ва рангли металлургия» мавзусини ўтишда бу саноатнинг хомашё базаларига алоҳида тўхталиб ўтиши шарт эмас. Чунки хомашё базалари табиий ресурслар мавзусида ўрганилади. Бунда ўқувчига қисман ўша мавзуни эслатиб, улар га хўжалик нуқтаи назаридан баҳо бериш ўргатилса, мақсадга мувофиқ келади.

Иккинчидан, биз географлар фан ютуқларини ўқувчиларга етказишда фақат маълум бўлган китоблардаги манбалар билангина чегараланиб қолаётганга ўхшаймиз. Негаки, шу пайтгача маълум бўлган китобларда ўз табиий иқлимимиз, шарт-шароитимизга мос бўлмаган манбалар, мавзулар кўп эканлиги ҳаммамизга аён. Демак, мана шунинг ўзи ҳам имкони борича, кўпроқ ўз шароитимиз, ўлкамиз бойликлари билан ўқувчиларни яқиндан таништириб боришни тақозо этмоқда.

Хуллас, география мутахассислари, ўқитувчилари олдида кўплаб қилиниши лозим бўлган ишлар мавжуд. Дарвоқе, уни амалга оширишни ҳеч ким четдан келиб қилиб бермайди. Шундай бўлгач, ҳаммамиз бирга, ҳамкорликда иш тутсак, кўзланган натижага эришиш мумкин. Бунинг учун жойлардаги илғор тажрибали муаллимларнинг ишларини оммалаштириш, улардан дарс ўтиш маҳоратини ўрганиш лозим. Бундай муаллимлар эса жумҳуриятимизда кўп.

(Давоми 2-бетда).

Очиқ мулоқот

«МАЪРИФАТ»ГА ТАЛПИНАДИ ҚАЛБ

Яқинида «Маърифат» рўзномаси ҳамда «Халқ таълими» ойномаси ходимлари А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти тингловчилари билан очиқ мулоқот ўтказишди. Мулоқотни «Халқ таълими» ойномаси муҳаррири, профессор Ж. Икромов бошлаб берди. У ойнома нинг узлуксиз таълим тизимида тутган ўрни, педогог-журналистларнинг шу кундаги вазифалари ва келажакдаги режалари хусусида атрофлича гапирди. Шундан сўнг «Маърифат» рўзномаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи М. Раҳмоновга сўз берилди.

— Биз бу даргоҳга ҳамиша талпиниб келамиз, — деди у. — Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, бу ерда таҳсил олаётганлар республикамизнинг турли бурчакларидан келишган. Биз улар орқали педагогик жамоаларидаги янгиликларни, ўқитувчиларнинг ўй-ташвишларини билиб оламиз ва шу аснода маориф матбуоти ходимлари ҳам муаллимларни ўйлантираётган баъзи бир муаммоларга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Иккинчидан, таҳририят келгусидаги режаларни белгилашда шу ерда ўтирган муаллимлар ёрдамига таянади. Зотан, «Янгилаш даври, янгиланиш даври», «Етилган муаммолар ҳақида мактуб лар» каби ойнасўзлар ушбу даргоҳда турли даврларда малака оширган ўқитувчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида ташкил этилгандир.

Аммо бугунги кунда бозор иқтисоди маориф матбуотчиларини ҳам четлаб ўтмади. Шу сабабли «Маърифат» обуначилари рўзномани шу йилнинг 20 майга ча олиш имконига эга бўлишди.

«Маърифат» — муаллимларнинг кўнгил мулки. Шундай экан, рўзномамизнинг аҳволи бир қадар оғирлашган пайтда уни асраб қолиш яна уларнинг зимма ларига тушади.

Нотиқ газета таҳририяти режалари ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар хусусида батафсил тўхталди.

— Бугун «Маърифат» рўзномаси ходимлари билан дилдан суҳбатлашяпмиз. Шу муносабат билан ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман, — деди Норин ноҳиясидаги 26-мактаб ўқитувчиси А. Қутбиддинов. — Қоғоз танқислигига қарамасдан, тармоқ рўзномалари кундан-кунга болалаб кетаяпти. Улар фақат маълум бир мавзу устида сўз юритадилар. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мураббийлар рўзномаси алоҳида йўлдан бориши — ойнасўзларни кўпайтирмоғи керак. Рўзнома — дам олиш бекати бўлмоғи, муаммолардан толиққан ўқитувчиларнинг руҳини кўтариши лозим. Рўзнома саҳифаларида халқаро мавзулар, жумбоқли бошқотирмалар, латифалар, халқ оғзаки ижодиёти дурдоналаридан намуналар бериб борилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Задарё ноҳиясига қарашли таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган 14-илм маскани муаллимаси М. Раҳимова, Чортоқ ноҳияси халқ таълими бўлими методисти Қ. Усмонов, Тўрақўғон ноҳиясидаги 20-мактаб ўқитувчиси А. Тўхтабоев, Қўқон шаҳридаги 30-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси А. Шарафутдиновларнинг фикрича, рўзнома саҳифаларида тўғараклар, шу жумладан «Ёш мухбирлар тўгараги» фаолияти атрофлича ёритилган мақолалар, тарбиявий ҳикоялар, ҳикоят ва ривоятлар, атамашуносликдаги муаммолар, арзимаган сабаб билан ишдан бўшатилганлар тақдири ва бу масаланинг туб илдизларини очиб берадиган чиқишлар, машҳур алломаларнинг фалсафий, педагогик қарашлари кенг бериб борилса, нур устига нур бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё ноҳиясидаги «Манғит» номли илм маскани мактабдан ташқари ишлар бўйича директор муовини Ж. Еримбетов жойларда бир неча бор кўтарилган муаммо — синф раҳбарларининг иш ҳақи масаласи билан қизиқди.

Очиқ мулоқотда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларнинг барчасида жон бор. Аслида «Маърифат» — жумҳуриятимиз муаммолари ва Ўрта Осиё мустақил давлатларида истиқомат қилаётган кўпгина ўқитувчиларнинг ягона минбари ҳисобланади. Унда айтилган ҳар бир сўз эътиборсиз қолмайди.

Мулоқотда рўзнома хатлар бўлими мудираси З. Тўлаганова, масъул котиб ўринбосари М. Қўчқоровлар муаллимларни ташвишга солаётган муаммолар ҳамда обуна масалалари юзасидан тушган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар. «Маърифат» адабиёт ва санъат бўлими мудираси, шоира У. Абдуазимова эса болаларга аталган шеърларидан ўқиб берди.

Анъанавий учрашувда халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректори Ғ. Б. Шоумаров ҳам ўз мулоҳазаларини баён этди ва бундай учрашувлар иккала томон учун ниҳоятда фойдали эканлигини таъкидлади.

Савол-жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, ўқитувчилар, халқ маорифи ходимлари ўз рўзномаси тақдирига бефарқ қараётганлари йўқ. Улар шу ўқиш давридаёқ «Маърифат»га иккинчи ярим йиллик учун обуна бўлишга аҳд қилдилар.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

«МАЪРИФАТ»га 1992 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ — 6 ОЙГА 72 СЎМ, 3 ОЙГА 36 СЎМ.

ИНДЕКС 64595.

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома "МАЪРИФАТ" 64595 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Обуна сони

19 92 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
						X	X	X	X	X	X

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

п. в. жойи

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64595 (нашр кўрсаткичи)

"МАЪРИФАТ"

(нашр номи)

Обунани янгиманзилга юбориш | Баҳоси | Сўм | Обуна сони

Баҳоси | Сўм

19 92 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
						X	X	X	X	X	X

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Долзарб мавзу

ПУХТА ТАЪЛИМ — ИСТИҚЛОЛ ЗАМИНИ

Бугунги кунда «келажагимиз — мактабда» ибораси ҳаётимизда алоҳида мазмун касб этаётир. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболи, равнақи айни кунларда билим даргоҳларида таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларнинг камолига, билимдонлиги ва ишбилармонлигига, миллий қадриятларимизни эъзозлай олиши ва бойитишига, буюк инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштиришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти халқ таълими соҳасини тубдан янгилашга, унинг ходимларини бозор иқтисоди шароитида ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор бераётир.

Таълим-тарбия ишини қайта қуриш, миллий мактаб асосларини вужудга келтириш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган таълим масканлари турларини кенгайтириш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, муаллимлар ижодкорлигини ривожлантириш, айни пайтда билим даргоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш халқ таълими ходимлари олдида турган долзарб вазифалардир. Бу вазифаларни амалга оширишда Бахмал район мактабларида ҳам бир қатор тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Район халқ таълими бўлимининг мудири, Республика халқ маорифи аълочиси С. МИРЗАБЕКОВ билан мухбиримиз ана шу янгиланиш масалалари хусусида суҳбатлашди.

— Таълим-тарбия ишидаги туб янгиланишнинг бош ижрочиси ўқитувчидир. Бугунги кунда ўқитувчининг ижтимоий турмуши қанчалар яхши бўлса, унинг фаолиятидаги самарадорлик ҳам, шубҳасиз, сезиларли бўлади. Бахмал районида бу масалани ҳал этиш қандай бормоқда?

— Аввало, бу масалада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини бажаришга катта эътибор берилаётир. Район ҳокимлиги тегишли тадбирлар комплексини ишлаб чиқди ва бу тадбирлар ташкилотлар томонидан изчил рўёбга чиқарилмоқда. Чунончи, 103 нафар ўқитувчи ва мактабгача тарбия муассасалари ходимларига ўзлари яшаётган давлат ва корхоналарга қарашли уйлар хусусийлаштириб берилди, 95 нафар халқ таълими ходимига шахсий уй қуриш ва томорқа учун қўшимча ер ажратиб берилди. Шунингдек қўплаб ўқитувчиларимиз ўзларига берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар. Жумладан, 196 ўқитувчи хонадони бепул табиий газ олмоқда, 2000 дан виёд киши турли хил коммунал хизматларидан беминнат фойдаланмоқда.

Умуман, халқ таълими ходимлари ойлик маошларининг оширилганлиги, уларга табақалаштирилган иш ҳақи тўланаётганлиги ва бошқалар районимиз педагогик жамоаларининг таълим-тарбия ишини давр талаби даражасида бўлиши учун ҳаракатидаги фаоллигини, ижодкорлигини оширмоқда. Бу халқ таълимидаги янгиланишнинг бош омилидир.

— Бизнингча, иккинчи омил ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ижодий фаолият кўрсатишига етарли шарт-шароит яратишдир, албатта. Бу, аввало, моддий ўқув базасини яратиш билан боғлиқдир...

— Айтмоқчи бўлган саволингиз тушунарли. Дарҳақиқат моддий ўқув базаси бўлмай туриб таълим-тарбия ишини замон талаблари даражасига кўтариб бўлмайди. Районимизда 56 та умумтаълим мактаблари мавжуд. Уларнинг аксарияти бундан 35—40 йил олдин ҳашар йўли билан қурилган биноларда жойлашган. Айни пайтда районимиз ҳудудида қарийб 6 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 9 та мактаб қурилаётир. Биргина шу ўқув йилида 834 ўринли мактаб, 90 ўринли болалар боғчаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Аммо капитал маблағларнинг етишмаслиги сабабли қурилаётган мактаб биноларида иш ниҳоят суст бормоқда.

Биз мавжуд мактабларда синф хоналари етишмаслигини бир қадар камайтириш мақсадида ҳашар йўли билан қўшимча хоналар қуришга ҳам ҳаракат қилаяпмиз. Кейинги 3—4 йил ичида 100 га яқин синф хонаси қурилди. Бу саҳоватли ишни мактабларимиз давом эттирмоқдалар.

— Таълим самарадорлигини оширишда, шубҳасиз, ўқитишнинг техника воситалари ва фан хоналари жиҳозлари ҳам ўқитувчи фаолияти учун муҳим шарт-шароитдир. Бу масалалар район мактабларида қандай аҳволда?

— Билим даргоҳларимиз моддий-техника таъминотини яхшилаш доимо диққат-эътиборимизда. Ҳозирги кунда районимиздаги 22 та мактаб замонавий компьютерларга эга, кейинги икки йилда 470 минг сўмлик турли кўргазмали қуроллар олдик. Мактабларимиз кутубхоналари фонди ярим миллион нусха китобга эга бўлди.

Мактабларимизнинг асосий қисмида машғулотлар кабинет тизими асосида олиб борилаяпти. Бу қишлоқ мактаблари учун маълум маънода юқори даража деб ҳисоблаш мумкин. Бу борада ўқитувчиларимиз ихтирочилик ва ижодкорлик ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Биз бунинг моҳиятини англаган ҳолда муаллимларнинг ўзига хос кўргазмали қуроллар тайёрлашига ва уларни дарс жараёнида самарали фойдаланишига эътиборни кучайтирдик.

Ўқитувчилар. тайёрлаган кўргазмали ўқув қуролларининг вилоят ва республика кўрик-танловларида районимиз мактаблари вакиллари ҳам ўз ишлари билан муваффақиятли қатнашдилар. 8 ва 48-мактабларнинг ўқитувчилари М. Қодиров, С. Холжигитовлар вилоят кўрик-танлови ғолиби сифатида ўз ишлари билан Тошкентда ўтказилган Республика кўрик-танловида қатнашганлиги бунга ёрқин мисолдир.

— Ҳар қандай шарт-шароит бўлганда ҳам таълим-тарбия самарадорлиги ўқитувчи маҳоратига, илғор тажрибаларни фаолиятида қўллашига, ижодий изланишига боғлиқдир. Бу борада район халқ таълими бўлими қандай тадбирларни амалга ошираётир?

— Тўғри, таълим-тарбия ишидаги туб янгиланиш асосан машғулотлар жараёнида юз беради. Бунинг асосий ижрочиси ўқитувчи ва тарбиячи бўлганлиги учун ҳам уларнинг тажрибаси, малакаси ва маҳорати бош омилдир. Биз бу борада методика бирлашмалари ишини яхшилаш, амалий семинарлар, очиқ дарслар ташкил этиш, ижодкор муаллимлар иш тажрибаларини оммалаштириш каби тадбирларни намунали ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳудудимиздаги мактаблар тарқоқ жойлашганлигини эътиборга олиб, уларни зоналарга бўлиб, ҳар ойда мактаб раҳбарларининг семинар-кенгашларини ўтказаяпмиз. Ижодий семинарларга эса олдиндан тайёргарлик кўрилади. Бу жараёнда фан кабинетларини, синф хоналари, ҳатто устахоналарни қайта жиҳозлашга, намунавий очиқ дарсларни ташкил этишга, унинг қатнашчиларининг дарсларни таҳлилий кузатишларига ва илмий-амалий хулосаларни изчил муҳокама қилишларига алоҳида эътибор беряпмиз. Бу ишда махсус тайёрланган «дарс тахлили» услубияти муҳим омил бўляпти.

Бундай очиқ мулоқотлар, амалий учрашувлар ўқитувчилар жамоаларининг таълим-тарбия ишидаги фаоллигини ошираётир, муаммоларни ойдинлаштириш ва ҳал қилиш имконини бермоқда. Бу айни пайтда ўқувчилар ўзлаштириш даражасининг юқори бўлишига, уларнинг вилоят ва республика олимпиадаларида фаол иштирок қилишига, ижодкор, ташаббускор муаллимларимиз сафининг ҳам кенгайишига йўл очяпти.

— Республикамизда таълим-тарбия ишини янгилашда, сизнингча, нималарга эътибор бериш керак? Ўзбекистон миллий истиқлол мактабларининг вужудга келишидаги муаммоларга муносабатингиз.

— Очиғини айтганда, янгиланишга интиляпмиз-ку, аммо иш услубимиз эскича, маорифга муносабат ҳам моҳият эътибори билан жиддий ўзгарганича йўқ. Кўриниб турибдики, ҳозир маорифимиз муаммолар гирдобида яшамоқда. Мактаб келажагини белгиловчи пухта йўриқномалар ҳали тўла ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилганича йўқ. Империядан қолган мактабга муносабатни бутунлай ўзгартишга халқ таълими ходимлари онгли равишда катта куч ва ақл-заковатларини сафарбар этишлари керак.

Модомики, Ўзбекистон мустақиллик йўлига тушган экан, биз эртанги кунимиз равнақи учун таъмал тошини бугундан қўймоғимиз лозим. Бу — халқ таълимини том маънода ислоҳ қилишга эришишдир. Ҳозирги ишларимиз эса ана шу катта йўлдаги дастлабки одимлардир, холос.

Ҳозирги мактаб фан асосларини чуқур ўргатадиган, мустақил фикрлай оладиган, ахлоқий баркамол инсонларни тарбияловчи маскан бўлмоғи зарур. Ҳолбуки, ҳозирча ёшларимизга турли қоидаларни ёдлатиш йўлидан бораётирмиз. Ўқитиш услубимиз ҳам моҳиятан шунга хизмат қилмоқда. Иқтидорли ўқувчига ҳам иқтидорсизига ҳам бирдек талаб қўйишимиз яна бир камчилигимиздир. Бу билан ўғил-қизларни ўқитишдан бездирибгина қолмай, уларнинг умрини ҳам бекор ўтказамиз. Ўқувчилар билим даражаси, қизиқиши, иқтидорига қараб табақалаштириб ўқитиш зарурлигини биз била туриб, бу ишга кам эътибор бераяпмиз. Шу билан бирга бу масалаларни ҳал қилишга имкон берадиган ҳақиқий асос ҳам йўқ. Бинобарин, бизга халқ таълими тўғрисида бутунлай янгича Низом керак.

Мен Мустақил Ўзбекистон мактабини, аввало, болаларни мустақил фикрлашга ўргатадиган, миллий қадриятимизга чексиз ҳурмат руҳида тарбиялайдиган, айни вақтда замонавий зиёлини тарбиялайдиган маскан бўлишини орзу қиламан. Бунинг учун эса мустақиллигимизни ўзида акс эттирадиган, жаҳон педагогикаси илғор усуллари асосида ишлайдиган мактабларни кўпайтириш лозим.

Кейинги вақтларда миллий мактаблар тўғрисида кўп гапирилмоқда. Мактабларни миллийлаштириш зарур, бунга шубҳа йўқ. Айни вақтда миллий мактаб энг замонавий даражада билим бера олиши ҳам керак. Чунки, бизнинг мактабимиз келажакни яратар экан, келажак тараққиётига мос кишиларни тарбиялаб етиштириши лозим.

— Эзгу ниятларингиз амалга ошишига биз ҳам тилакдошмиз. Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

ДИЛДАН СУҲБАТ

Ғиждувон ноҳиясидаги Ҳ. Олимжон номли мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг «Дилдан суҳбат» деб номланган анжумани ўтказилди. Унда ноҳиядаги барча ижодкор, изланувчан муаллимлар қатнашдилар.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар миллий мактаб, ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш муаммолари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Анжуман сўнгида муаллим-шоирлар йиғилганларга ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди.

З. ЭРГАШЕВА.
Бухоро вилояти.

АРАБ ТИЛИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Фарғона вилоятн «Билим» жамиятининг ташаббуси билан Олтиариқ ноҳиясидаги 38-ўрта мактабда араб тилини ўрганиш курси очилди. Курслар икки йиллик ва олти ойлик бўлиб, унда 40 нафар йигит-қиз таълим олаётир. Ёшларга чуқур билим беришда мутахассислардан Р. Сандов ҳамда С. Сандовалар бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

Мазкур курсларни ташкил этишда мактаб маъмурияти ва ушбу илм масканининг оталиқ ташкилоти бўлган Т. Исоқов номли жамоа хўжалиги раҳбарларининг ёрдами катта бўлди.

Т. УМАРОВ.
Фарғона вилояти.

МАКТАБДА МУЗЕЙ ОЧИЛДИ

Тошкент ноҳиясига қарашли 14-мактабга келган ҳар қандай меҳмон илм масканида жойлашган музейни томоша қилмасдан кетмайди. У ерда «Нонинг пайдо бўлиши», «Илгарги ва ҳозирги техника», «Одамларнинг қадимги ва ҳозирги замондаги яшаш шароитлари», «Улуғ Ватан уруши харобалари ва кейинги ўзгаришлар», «Қувноқ болалар» каби экспонатлар тартиб билан ўрнатилган. Бу макетлар асосан ёғоч, фанерь, ганч, лой, тунука ва турли қоришмалардан ишланган.

Музей шу мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси М. Камолиддиновнинг ташкилотчилиги, тиниб-тинчимаслиги натижасида юзага келди.

А. ИСАЖОНОВ.
Тошкент вилояти.

Жумҳуриятимиз мактабларида ўтган шанба куни сўнгги қўнғироқ жаранглади. Бу қўнғироқ ўқув йилига якун ясаб, ҳаяжонли имтиҳонлардан дарак беради. Тошкент шаҳрининг Чилонзор ноҳиясидаги 179-мактабнинг 11-синф ўқувчилари ҳам битирув имтиҳонларини муваффақиятли топширишга, мустақил ҳаётда муносиб ўринларини топишга астойдил қарор қилишган. Жамоатчи мухбиримиз Сандмурод Қорабоев ана шу унутилмас лаҳзаларни суратга туширибди. Битирувчилар барча устозлари қатори Санталат Шокировадан ҳам бир умр миннатдорлар.

ТАРИХ ЎҚИТИШНИ МИЛЛИЙ АСОСДА ҚУРИШ МУАММОЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Тарих факультети қошида мавжуд кафедралар номи ва мазмун йўналишини жиддий равишда ўзгартирмай туриб юқоридаги мақсадларга эришиб бўлмайди. Ҳозирги кунда собиқ СССР тарихи кафедраси турли олий ўқув юртларида турлича номлар билан (масалан, Тошкент давлат дорилфунунида «Евро-Осиё, педагогика институтларида «Ватан тарихи», баъзи жойларда «МХД» тарихи аталиб келинмоқда. Кафедранинг номини ўзгартирилгани билан уларнинг мазмун йўналишлари ўзгаргани йўқ. Бу эса зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масаладир.

Тарих факультети қошидаги кафедралар номини тарихий даврлаштириш номи билан аташ мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунга маъқулланган мактаб тарих билимлари янги тизими ҳам мос келади.

1. Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси.
2. Жаҳон халқларининг қадимги ва ўрта асрлар тарихи кафедраси.
3. Жаҳон халқларининг янги тарих кафедраси.
4. Жаҳон халқларининг энг янги тарихи кафедраси.
5. Тарих, инсон ва жамият ўқитиш методикаси кафедраси деб аташ лозим.

Кафедралар номини ихчамлаштириш учун «жаҳон халқлари» иборасини тушуриб қолдириш ҳам мумкин. Мактаб тарихи билимлари тизимига биноан мактабда ўрганиладиган тарих энди Ўзбекистон халқлари тарихи ва жаҳон халқлари тарихи деб аталади. Биз тавсия қилаётган кафедра номлари ҳам унга мос келади, деб ўйлаймиз.

Педагогика институтларида тарихчи муаллимларни тайёрлашда муҳим босқич бўлган педагогик амалиётни такомиллаштириш факультетда тарих ўқитиш методикаси қошида илмий лаборатория ташкил қилиш, бўлажак ўқитувчи, талабаларни жумҳурият мактаблари (бошланғич 1—4-синф, асосий мактаб 5—9-синф, мутахассислик 10—11-синф)да тарих ўқитишни миллий асосга қуришнинг назарий асослари билан қуроллантириш, уларни Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш ўқувчиларнинг тарих билимлари тизимида тутган ўрнини пухта тушуниб олишига эришиш катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишнинг аҳамияти, унинг мактаб тарих билимлари тизимида тутган ўрни беқиёсдир. Бу орқали ўқувчи Ўзбекистон халқлари тарихи — умумбашарий қадриятларга муҳим ва салмоқли ҳисса қўшган инсонпарвар халқлар тарихи эканлигини тушуниб олади. Зотан Ўрта Осиё энг қадимги маданият марказларидан ҳисобланиб, ўзбеклар Ўрта Осиёнинг қадимги халқларидан бири ва кўҳна ҳамда бой тарихга эга. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан бир неча ўнлаб миллат ва элатлар ёнма-ён яшаган, маҳаллий ва ажнабий босқинчилар зулмига қарши биргаликда кураш олиб борган.

Ўзбекистон халқларининг нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳондаги бошқа давлатлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрни ҳам салмоқлидир. Ўзбекистон ҳудуди қадимдан умуминсоний мақсадларга хизмат қилиб келган. Моваройуннаҳр Осиё билан Европани бирлаштириб турган кўприк вазифасини ўтаган. Икки дарё оралиғида олиб борилган Осиё билан Оврупо ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар Ўзбекистон халқлари ҳамда жаҳон халқлари тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Ҳозир умуминсоний мақсадларга хизмат қилган Буюк ипак йўли орқали олиб борилган алоқалар тарихини ўрганишга жаҳон миқёсида қизиқиш ортиб бораётганлигининг боиси ҳам шундадир.

Ўзбекистон жумҳурияти тарихини ўрганиш авлодларимизни қадимдан бошлаб ўз юрти, халқи озодлиги ва мустақиллиги учун чет эллик босқинчиларга, мустамлакачиларга қарши олиб борган курашлари, берган қурбонлари, улардан кўрган жабр-ситамлари билан чуқур таниши ва айни пайтда мустақиллик ўз-ўзидан, осонгина қўлга киритилмаганини англаб олишга ёрдам беради. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг қулай географик ўрни, ер усти ва ер ости бойликлари қадимдан босқинчилар диққатини ўзига жалб қилиб келди. Бу ерда Эрон шоҳлари, македониялик Александр, Араб халифалиги ва Чингизхон каби жаҳонгашталар ҳукмронлик қилди. Чор ҳукумати Туркистонни Руссиянинг мустамлакасига, рус саноатчиларининг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар сотадиган бозорига айлантирди. XX аср бошларига келиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пахта якка ҳокимлиги вужудга келди. Октябрь инқилобидан кейин ҳам Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, миллий ва мустамлакачилик истибдодидан қутила олмади. Шўролар ҳокимияти йилларида ҳам Ўзбекистон марказдан саноат учун арзон нархда хом ашё етказиб берадиган жой ва ана шу хом ашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотадиган бозор ҳолича қолаверади. Эълон қилинган мустақиллик ҳам амалга ошмади. Пахта яккаҳокимлиги унинг ижтимоий-иқтисодий маънавий оқибатлари, экологик муҳитдаги номутаносибликлар, Орол денгизи фожиаси, атроф-муҳитни, ерсув, ҳавони ифлосланишга олиб келганлиги, одамларнинг соғлигигагина эмас, балки уларнинг ирсиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатганлигини, мустақил давлат, мустақил сиёсат юргизиш асосдагина бу хавфни бартараф этиш мумкинлигини ўқувчиларнинг тушуниб олиши, уларни ҳозирги экология муаммоларини ҳал қилишга, жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига эришишида аниқ мақсад билан онгли иштирок этишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий мактаб, тарих ўқитишни миллий асосга қуриш, Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш ва ўрганишни устуворлигини таъминлаш ҳақида гап борганда ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат фақат ўз қобиғига ўралган ҳолда ривожлана олмаслигини, Ўзбекистон халқлари жаҳон халқлари тарихининг бир қисми эканлигини доимо назарда тутишимиз, бинобарин, Ўзбекистон халқлари билан бирга, жаҳон халқлари тарихини ҳам чуқур ўқитиш ва ўрганиш зарурлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Назаримизда, юқорида таъкидлаб ўтилган фикр ва мулоҳазалар, зарур бўлган муаммоларни ижобий ҳал қилиниши миллий мактаб талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали миллий мактаб тарих муаллимларини тайёрлаш имкониятини беради.

И. ШОДМОНҚУЛОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, тарих факультети декани, доцент.

А. САЪДИЕВ,
шу институт тарих ва жамиятшунослик ўқитиш методикаси кафедраси мудири, профессор.

ГАШТЛИ ЁЗ — ЎТСИН СОЗ

СЎЛИМ ГЎШАЛАР ЧОРЛАЙДИ...

Дилларни хушнуд этиб дам олиш мавсуми ёз ҳам етиб келди. Бу фаслда катта-ю кичик кўнгил очар жойларга, тоғлар қўйнига, денгиз, дарё кўл соҳиллари томон талпинади.

Июнь ойи бошланишиданоқ болажонлар жонажон мактаблари билан вақтинча хўшлашиб, оромгоҳларга жўнаб кетадилар. У ерда уларни чексиз қувонч, ўйин-кулгулар, серзавқ сайру-саёҳатлар кутади. Бу сўлим гўшаларда ўтган бахтиёр кунлар инсон болалигининг битмас туганмас эртаклари, унутилмас хотиралари бўлиб қолади.

Пойтахтимиздаги Миробод ноҳиясидан бу йилги мавсумда 37-38 минг нафар ўқувчининг шаҳар ва бошқа оромгоҳларда дам олиши кўзда тутилмоқда. «Тошкент денгизи» яқинида жойлашган махсус тарбияли болалар учун оромгоҳи ишга тушиш арафасида. Бу ерда ноҳиядан 30 нафар ўқувчи бепул дам олиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, бошқа оромгоҳларда дам оладиган болалар учун ҳам имтиёз мавжуд. Йўлланма пулининг 90 фоизини касаба уюшмаси қўмитаси тўласа, атиги 10 фоизинигина тўлаш ота-онанинг чекига тушади. Ноҳиядаги 31, 60, 110, 147, 175, 213, 214, 263-ўрта мактаблар ёзги кундузги мавсумий оромгоҳларга айлантирилади. Кун бўйи ишда бўладиган ота-оналар бу оромгоҳларга нуридийдаларини топшириб, хотиржам меҳнат қилишлари ва кечқурун фарзандларини уйларига олиб кетишлари мумкин.

Шу кунларда барча оромгоҳларга ўқувчиларни қабул қилиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Таъмир ишлари ниҳоясига етай деб қолди. 300 нафардан ортиқ педагог ва бошқа хизматчилар бу ерларда ишлаши назарда тутилаётир. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернига қарашли «Гагарин-2», Бўстонлиқ ноҳиясидаги «Қувонч», Юсуфхона мавзесидаги «1-Май» ва бошқа кўплаб оромгоҳларда ёзги мавсумга тайёргарлик ишлари намунали бажарилмоқда.

Ноҳия халқ таълими бўлимининг мудири Нина Яковлевна Сучкова мавсумий дам олишга ҳозирликни шундай шарҳлади:

— Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам болаларнинг ёзги таътил пайтида миқиқ ҳордиқ чиқаришларини ташкил этаётирмиз. Оромгоҳларимиз бири-биридан яхши. Хуштабиат, баҳаво жойларда жойлашган. У ерда дам олиш учун ўқувчиларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб берамиз. Озиқ-овқат масаласи ҳам кўнгилдагидек ҳал қилинган.

Демак, Миробод ноҳиясида яшовчи ота-оналар фарзандларининг ёзги дам олишларидан кўнгилларини тўқ тутсалар бўлади.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ТЎЛИҚ ОБУНА

Пойтахтнинг Шайҳонтоҳур ноҳиясидаги Қўчқор Турдиев номли 59-ўрта мактабнинг 52 ўқитувчиси «Маърифат» рўзномасига обуна бўлди.

— Мактабимиз жамоаси, — дейди мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси М. Шарипова, — рўзномада босилган муштарийларга мурожаатни ўқибоқ, мазкур йилнинг иккинчи ярим йили учун янги нарх бўйича обуна бўла бошладилар. Газета бизнинг маслаҳатчимиз, яқин кўмакчимиз. «Маърифат»нинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини маорифчилар яхши тушунишади. Зотан, зар қадрини заргар билади.

Мухбиримиз.

ГЕОГРАФИЯНИ ЎРГАНАМИЗ

(Боши 1-бетда).

Барат ҲУСАИНОВ,
Шаҳрисабз ноҳиясидаги 1-мактаб-интернатининг география ўқитувчиси:

— Гап география фанини қандай ўқитиш ҳақида бораркан, фикрни бир нарсага қаратишни истардим. Агар биз ислом дини, унинг фалсафаси билан чуқурроқ танишсак, динимиз бизни имонга, эътиқодга томон интилтиради. Жумладан, ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланган Қуръонда бошқа фанлар қаторида географияга таллуқли бир қанча илмий тушунчалар бор. Масалан, «Ясин» сурасининг 38—40-оятларида Қуёш, Ой ва Ернинг ҳаракатланиши тўғрисида, «Анъом» сурасининг 125-оятида баландликка кўтарилган сари кислороднинг камайиши тўғрисида, «Нур» сурасининг 34-оятида булутлардан ёғинларнинг ҳосил бўлиши тўғрисидаги тушунчаларни ўқиб кўрсак, бунга яна бир бор ишонамиз.

Булардан кўриниб турибдики, динимиз ҳеч қандай илм-фанга, тараққиётга қарши турмаган, балки уни қўллаб-қувватлаган.

Эндиликда мактабларни миллийлаштириш тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Бунинг учун, аввало, дастур ва дарсликларни ўзгартириш лозим. Лекин дарсликни янгилашга эса вақт керак, давр кутиб туролмайди. Нима қилиш керак?

Масаланинг бу томонларини инобатга олиб, бир соатлик дарсни мен қуйидагича ташкил этаман. Чунончи, 6-синфда «Табиий географиянинг бошланғич курси»да ўқувчиларимиз «Ер тўғрисидаги географик билимларнинг ривожланиши» мавзусини ўрганганда, асосан Х. Колумб, Ф. Тагеллан, Н. Прижовалский ва бошқа рус саёҳатчилари олиб борган тадқиқотларни ўрганишади. Лекин бу соҳада Хоразмий, Беруний, Кошғарий, Улуғбек, Бобур қилган ишларини, Н. Хисрав, А. Самарқандий, М. Сирожиддин кабиларнинг саёҳатларини билишмайди.

Дарс ўтиш жараёнида ўтмиш алломаларимиз ҳар бирининг география фанида тутган ўрни ҳақида батафсил фикр юритиб, ўқувчилар қалбига кенгроқ кириб боришга интиламан. Масалан, Беруний ижоди ўтилганда унинг Хоразмдан Ҳиндистонга, Эрон, Покистон, Ироқ давлатлари оралиғида қилган саёҳатлари, шунингдек, географияга оид 12 та, харитографияга оид 4 та, иқлим ва об-ҳавога оид 3 та, минерологияга оид 3 та асар ёзганлиги батафсил ўрганилади. Айниқса, унинг «Китоби тақосим ва ақолим» («Иқлимлар бўлиниши»), «Осори боқия», «Тастиҳ ас-сувар ва табтиҳ ал-қувар» («Харитография») асарлари ўқувчиларимизга кенг билим беришга қўл келмоқда.

Яна бир жиҳати шундаки, буюк алломаларимизнинг ижоди ўрганилганда ўқувчиларимиз жаҳон географиясида улар тутган ўрни ва ролидан ҳам кенг тасаввурга эга бўлишади. Афсуски, ўтган узоқ йиллардаги яккаҳокимлик даври салкам ана шундай алломаларимиз қилган ишларни унутишгача олиб келганди...

Хуллас, географияни миллийлаштириб ўтишнинг самараси кутилганидан ҳам яхши натижа бермоқда. Ўқувчиларнинг дунёқараши кенгроқ шаклланиб, энг муҳими, ўз табиий иқлимимиз, бойлигимиз ва ўлкамиз харитасидан кенг тасаввурга эга бўлиб, дарслик билан чегараланишдек эски тушунчадан чиқиб кетишга, изланиш ва ижодкорликка ундамоқда.

Абдумутал ТОШМАТОВ,
Олтинкўл ноҳиясидаги 18-мактабининг география ўқитувчиси:

— География фанини ўқувчиларимизга ўргатар эканмиз баъзан ўқитилаётган дарслардан ўзимиз ҳам қониқмаслигимизни сир тутиб бўлмайди. Нега, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, дарслик яратилганда собиқ иттифоқ таркибидаги жумҳуриятлар орасида Ўзбекистон минтақасига кам аҳамият берилган. Бу ҳам етмагандек Ўзбекистон географиясини ўрганишга айни кунда ҳам бор-йўғи 34 соат ажратилганлиги киши ғашига тегади.

Ҳар жиҳатдан тўғри хулоса чиқариб, мен қуйидагича бир соатлик дарсни ўтаман. Аввало, дарсга кириш бўлиши билан ўқувчиларга Ўзбекистонга даҳлдор ҳужжатли фильмни, таҳминан 10—15 минут вақтда қўйиб кўрсатаман. Фикрлар бир жойга жамлаб олингач, асосий мавзу — янги дарс бошланади. Янги дарсни ўтганда ҳам фақат китоб билан чегараланмасдан, балки кўргазмали қуроллар, ҳар хил кўлбола чизгилар асосида олиб борилади.

Булардан ташқари ўқувчиларимиз билан келишиб ҳар икки дарснинг бири саёҳат тарзида ўтказилади. Кейинги кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, айнан мана шу усулда олиб борилаётган дарс самарасининг натижаси кўнгилдагидек бўлаяпти. Ўқувчилар ҳам китоблар билан чегараланмай кўрган-кузатганлари бўйича вазифаларни тайёрлашиб келишмоқда.

Эски дарсликларсиз сабоқ беришнинг яна бир қулайлиги томони шундаки, ўқувчиларимиз ўзлари яшаб турган жойнинг табиий иқлими, қишлоқ ва ноҳияларнинг тарихи, дарёлар ҳақида ҳам кенг маълумотларга эга бўлишмоқда.

Назаримда бошқа фанлар қаторида географияни ҳам миллийлаштириш шак-шубҳасиз келажагимиз учун зарур бўлиб, уни орқага суришга ҳеч бир асос бўлмаслиги керак.

ЎҚУВ РЕЖАЛАРИГА ШАРҲЛАР

Ўрта умумтаълим мактабларида ўқув жараёнини ташкил этиш — ўқув режалари ва дастурларга асосланган ўқув-методик ва норматив ҳужжатлар билан олиб борилади.

Амалдаги ўқув режалари республика ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда доимо такомиллаштириб борилади.

Сўнгги вақтда умумий соатлар нагрузкасини камайтириш, интегратив курсларни киритиш ва баъзи таълим фанлари мавзусини қайта кўриб чиқиш ҳисобига ўқув режаларининг асоси шаклланмоқда. Республика ва мактаб компонентлари (соатлар) меъёри белгиланади, бу эса муайян мактаблар учун ўқув режаларининг бунёдга келиши, вилоят ва ноҳияларнинг ўзига хослиги ва миллий хусусиятларни, ўқувчилар контингентини, педагогик кадрларнинг мавжуд моддий база имкониятларини ҳисобга олади.

Ўқув режасидаги республика компоненти ёки унга ажратилган соатлар, ўқувчиларнинг билим ва малакалари даражасини таълимнинг белгиланган стандартларига мос келадиган қилиб белгилайди.

Мактаб компоненти эса педагогик кенгашлар томонидан белгиланади. Унда ўқувчиларнинг тайёргарликлари ҳисобга олинади, уларнинг мустақил ўқишлари рағбатлантирилиб борилади.

Бундай ёндошув мактабларни бир хилликдан ва бир фикрлилик ҳукм суришидан озод этади ҳамда ҳар бир педагогик жамоага тегишли имкониятлар беради.

Ўрта умумтаълим мактаблари ривожланишидаги янги йўналишларнинг қатъий илгари сурилиши, умумий ўрта таълим Концепциясида кўзда тутилган ва янги ўқув режаларида ўз аксини топган. Юқори синфларда ихтисос бўйича таълимни ташкил этишда ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиш, иқтидорли болалар билан ишлаш — буларнинг ҳаммаси таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш курсини таъминлашга имкон беради

Педагогик жамоалар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг талаблари, шунингдек жамият эҳтиёжини ҳисобга олиб 1992—93 ўқув йили учун Республика халқ таълими вазирлиги ҳар хил турдаги (1-XII вариант) ўқув режаларини ишлаб чиқди.

Илк марта турли ихтисос таълими бўйича ўқув режалари ишлаб чиқилди. Бу эса шу ўқув режаларини танлаган педагогик жамоаларга тегишли моддий база яратишда, педагогик кадрларни танлашда, махсус дастурлар тузишда катта тайёргарлик ишларини олиб бориш заруратини туғдиради.

Мактаб педагогик жамоалари ўзларининг имкониятларидан келиб чиқиб, ўқув режаларидан истаган вариантларини (1-XII) танлашлари мумкин.

Айрим ўқув режаларида математика ва бошқа фанларга ажратилган соатлар қисқартирилиб, она тили (ўзбек), иккинчи (рус ёки ўзбек) ҳамда чет тилларини ўрганишга ажратилган соатлар миқдори кўпайтирилган. Иккинчи тилни ўқитишга ажратилган соатлар эса тенглаштирилди.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтишни ихтиёр этган педагогик жамоалар учун алоҳида ўқув режаси берилади.

Ўқув режасининг XII варианти тажрибавий бўлиб, бу асосан иккинчи рус ёки ўзбек тили ўқитувчилари кам бўлган узоқ қишлоқ мактаблари учун мўлжалланган.

Ушбу ўқув режасини ихтиёр этган жамоалар доимо ноҳия (шаҳар) ХТБ назоратида бўлади.

Педагогик жамоалар ўзлари танлаган у ёки бу вариантдаги ўқув режасига ижодий ёндошмоқлари керак.

Республика ўқув услубиёт маркази томонидан юқоридаги ўқув режалари асосида методик тавсиянамалар тайёрланади ва жойларга етказилади.

Ўқув режаларига аниқ тушунтириш хати ва эслатма илова қилинади.

(III ТУР)

Синфлар бўйича ҳафталик соатлар

Ўқитиладиган фанлар	уч йиллик бош. макт. II	III	тўрт йиллик бош. мактаб I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI
Она тили ва адабиёт	10	9	8	8	8	8	9	8	6	5	5	5	4
Рус тили ва адабиёт	3	4	0/2	4	4	4	4	4	4	4	4	3	3
Эски ўзбек ёзуви	1	1			1	1							
Математика	6	6	4	4	5	5	5	5	5	5	5	4	4
Информатика ва ЭҲТ асослари												1	2
Умумий тарих							1/2	2	2	1	3/2	3	2/3
Ўзбекистон халқлари тарихи							1/0			2/1	1	1/2	1
Давлат ҳуқуқи асослари											1		
Инсон ва жамият													2
Одобнома												1	
Теварак атроф билан таништириш			1	1									
Табиатшунослик	1	1			1	1	1						
Жуғрофия								2	3	2	2	1	
Биология								2	2	2	2/1	1	1
Физика									2	2	3	3	4
Астрономия													1
Кимё										3	2	2	2
Чизмачилик									1	1			
Чет тили							4	3	2	2	2	2	2
Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1	1	1				
Мусиқа	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			
Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Чақириққача ёшларни тайёрлаш												2	1
Меҳнат таълими	1	1	1	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2
Ж а м и:	26	26	19	22	24	24	30	31	33	33,5	33	33,5	33,5
Мактаб (компоненти) ихтиёрига берилган соатлар: Якка (гуруҳ) машғулотлар ёки ижодий камолот учун соатлар	1	1	1	1	2	2	2	2	2	4	4	5	5
Айрим фанларни чуқур ўрганиш ва факультатив соатлар													
Тармоқ касб таълими													
Амалий меҳнат машғулотлари (кунлар ҳисобида)							10	10	10	16		20	

ЎҚИШ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНАДИГАН УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ЎҚУВ РЕЖАСИ

(IV ТУР)

Синфлар бўйича ҳафталик соатлар

Ўқитиладиган фанлар	уч йиллик бош. мактаб. II	III	тўрт йиллик бош, мактаб I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI
Она тили ва адабиёт	10	9	8	8	8	8	9	8	6	5	5	5	4
Рус тили ва адабиёт	2	4	0/2	4	4	4	4	4	4	4	4	3	3
Эски ўзбек ёзуви	1	1			1	1							
Математика							5	5	5	5	5	4	4
Математика ва конструкциялаштириш	6	6	4	4	5	5							
Информатика ва ЭҲТ асослари												1	2
Умумий тарих							1/2	2	2	1	3/2	3	2/3
Ўзбекистон халқлари тарихи							1/0			2/1	1	1/2	1
Давлат ҳуқуқи асослари											1		
Инсон ва жамият													2
Одобнома												1	
Теварак атроф билан таништириш			1	1									
Табиатшунослик	1	1			1	1	1						
Жуғрофия								2	3	2	2	1	
Биология								2	2	2	2/1	1	1
Физика, Астрономия									2	2	3	3	5
Кимё										3	2	2	2
Чизмачилик									1	1			
Чет тили	2	2		2	2	2	4	3	2	2	2	2	2
Мусиқа	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			
Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат	1	1	2	1	1	1							
Тасвирий санъат							1	1	1				
Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Чақириққача ёшларни тайёрлаш												2	1
Меҳнат таълими							1	1	2	2	2	2	2
Ж а м и:	26	27	19	23	25	25	30	31	33	33,5	33	33,5	33,5
Мактаб (компоненти) ихтиёрига берилган соатлар:	1	1	1	1	1	1	2	2	2	4	4	5	5
а) якка (гуруҳ) машғулотлар ёки ижодий камолот учун соатлар													
б) айрим фанларни чуқур ўрганиш ва факультатив соатлар													
в) тармоқ касб таълими Амалий меҳнат машғулотлари (кун ҳисобида)							10	10	10	16		20	

(Боши рўзноманинг ўтган сонида).

ЎҚИШ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҚРИМ—ТАТАР, ГРЕК, КОРЕЙС, НЕМИС, ТАТАР (ҚОЗОН), УЙҒУР, КУРД, ЯҲУДИЙ, ИСПАН ВА БОШҚА МИЛЛАТЛАРНИНГ ЎЗ ОНА ТИЛИСИНИ ЎҚИТИЛАЕТГАН МАКТАБЛАР УЧУН 1992—93 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎҚУВ РЕЖАСИ

(IX ТУР)

Синфлар бўйича ҳафталик соатлар

Ўқитиладиган фанлар	Уч йиллик бош. мактаб II	III	Тўрт йиллик бошл. макт I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI
Ўзбек тили ва адабиёти	9	8	7	8	8	8	8	7	5	4	4	4	3
Рус тили ва адабиёти	2	4	0/2	2	3	3	3	3	3	3	3	3	3
Эски ўзбек ёзуви	1	1			1	1							
Она тилиси	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Математика	6	6	4	5	6	6	5	5	5	5	5	4/5	4
Информатика ва ЭҲТ асослари												1	2
Умумий тарих							1/2	2	2	1	3/2	3	2/3
Ўзбекистон халқлари тарихи							1/0			2/1	1	1/2	1
Давлат ҳуқуқи асослари											1		
Инсон ва жамият													2
Одобнома												1	
Теварак атроф билан таништириш			1	1									
Табиатшунослик	1	1			1	1	1						
Жуғрофия								2	3	2	2	2/1	
Биология								2	2	2	2	2	1
Физика									2	2	3	3	4
Астрономия													1
Кимё										3	2	2	2
Чизмачилик									1	1			
Чет тили							4	3	2	2	1	1	1
Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1	1	1				
Мусиқа	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			
Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Чақириққача ёшларни тайёрлаш												2	2
Меҳнат таълими	1	1	1	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2
Ж а м и:	26	27	20	23	26	26	30	31	33	33,5	32,5	35,5	34,5
Мактаб (компоненти) ихтиёрига берилган соатлар: Якка (гуруҳ) машғулотлар ёки ижодий камолот учун соатлар	1	1	1	1	1	1	1	1	2	4	4	5	5
Айрим фанларни чуқур ўрганиш ва факультатив соатлар													
Тармоқ касб таълими Меҳнат практикаси (кунлар ҳисобида)							10	10	10	16		20	

(X ТУР)

Синфлар бўйича ҳафталик соатлар

Ўқитиладиган фанлар	Уч йиллик бош. мактаб II	III	Тўрт йиллик бошл. макт I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI
Ўзбек тили ва адабиёти	9	8	8	8	8	8	7	6	5	4	4	3	3
Рус тили ва адабиёт	4	4	0/2	2	4	4	4	4	4	4	4	3	3
Она тилиси	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	3	3
Эски ўзбек ёзуви	1	1			1	1							
Математика	6	6	4	5	6	6	6	6	6	6	6	4/5	4
Информатика ва ЭҲТ асослари												1	2
Умумий тарих							1/2	2	2	1	3/2	3	2/3
Ўзбекистон халқлари тарихи							1/0			2/1	1	1/2	1
Давлат ҳуқуқи асослари											1		
Инсон ва жамият													2
Одобнома												1	
Теварак атроф билан таништириш			1	1									
Табиатшунослик	1	1			1	1	1						
Жуғрофия								2	3	2	2	2/1	
Биология								2	2	2	2	1	1/2
Физика									2	2	3	4/3	4
Астрономия													1
Кимё										3	3/2	2	3/2
Чизмачилик									1	1			
Чет тили							4	3	2	2	1	1	1
Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1	1	1				
Мусиқа	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1			
Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Чақириққача ёшларни тайёрлаш												2	1
Меҳнат таълими	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	2	2	2
Ж а м и:	28	27	21	23	27	27	31	32	34	35,5	35	35	35,5
Мактаб (компоненти) ихтиёрига берилган соатлар:	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4	4	5	5
Айрим фанларни чуқур ўрганиш ва факультатив соатлар													
Тармоқ касб таълими Амалий меҳнат машғулотлари (кун ҳисобида)							10	10	10	16		20	

(Давоми бор).

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

(Умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари ва мактабгача тарбия муассасалари учун)

Болалар бизнинг ишончимиз, келажагимиздир. Болаларнинг соғлиги, бахтиёрлигини, осмонимиз мусаффолигини сақлашдек масъулият биз катталар зиммасига тушади.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. Бу кунни нишонлашдан мақсад болаларни уруш ҳавфидан ҳимоя қилиш учун жаҳон жамоатчилиги эътиборини кучайтиришга, уларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш учун курашга, демократик таълим ва тарбияни чуқур эгаллашга йўллашдир.

Болаларимиз қанчалик бахтли ва беғубор бўлмасин, давримизнинг бу кунги мураккаблиги улар кайфиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Биз, катталар уларни шундай нохуш ҳолатдан ҳимоя қилишимиз, фарзандларимизнинг бахтли болалигини таъминлаб беришимиз керак.

Республикамиз умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар, мактабгача тарбия муассасаларида 1992 йил 1 июнда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносиб ўтказиш бўйича қуйидаги методик тавсияни таклиф этамиз:

— умумтаълим мактабларида мактабдан ташқари ва мактабгача тарбия муассасаларида ота-оналар мажлисини ўтказиб, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кўнгилдагидек ўтказиш учун катталарнинг диққат-эътиборини жалб этиш зарур;

— ҳар бир бола хусусиятига қараб алоҳида-алоҳида ёндошган ҳолда боланинг орзу-умидлари, қизиқишларини юзага чиқариш чораларини ўйлаб кўриш зарур (Бу борада синф ва тўгарак раҳбарлари, боғча тарбиячилари фаолликлари керак);

— вилоят халқ таълими бошқармалари, шаҳар ва район халқ таълими бўлимлари, мактаб, мактабдан ташқари ва мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари керакли ташвиқот ишларини олиб бориб, ота-оналар, маҳалла, соғлиқни сақлаш, милиция, адлия, савдо ходимлари, ишлаб чиқариш муассасалари, оталиқ ва бошқа ташкилотлар билан зарур чораларни кўришлари керак. Тадбирларни амалга оширишда шаҳар, район ҳокимлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мактаблар, мактабдан ташқари ва мактабгача тарбия муассасаларида амалга ошириш мумкин бўладиган ишлар:

— табиат қўйнига: боғ-роғлар, тоғ ён бағирларига, ҳайвонот боғларига сайру-саёҳатлар уюштириш;

— «Менинг севган қаҳрамоним» мавзусида эртаклар оламига саёҳатлар;

— болалар ва ўсмирлар китоблари кўргазмасини уюштириш;

— болалар қўл меҳнати билан ясалган амалий, ижодий ишлар кўргазмасини ташкил этиш;

— бетоб ётган болалар ҳолидан хабар олиш.

— болалар уйларига ташриф буюришни амалга ошириш;

— синфлараро «Отам, онам ва мен» ҳамда бошқа миллий спорт ўйинлари мусобақаларини ўтказиш ғолиблар учун ота-оналар қўмитаси томонидан совғалар ташкил қилиш;

— синф ва гуруҳ хоналарида, мактаб майдончаларида эрталиклар ўтказиш (ота-оналарнинг ёрдами билан ўзлари кутмаган турли-туман совғалар тақдим этиш мумкин);

— ёш томошабинлар театрлари, қўғирчоқ театрлари, цирк томошаларини кўриш;

— мактабда ва боғчада болаларнинг севимли ёзувчилари, шоирлари, артистлар, бастакорлар, меъморлар ва бошқа касб эгалари билан учрашувлар ўтказиш;

— бепул музқаймоқ, чанқовбосди ичимликлар, ширин таомлар дастурхонини ташкил этиш;

— болалар учун «Шарқ чойхонаси» адабий-бадиий чиқишини уюштириш;

— болаларнинг севимли бадиий ва мультпликацияли фильмларини намойиш этиш.

Шаҳар ва районларда уюштириладиган тадбирлар:

«Қушлар бизнинг дўстимиз», «Биз уй ҳайвонларини севамиз» мавзусида кўргазмалар ташкил этиш;

— маданият боғларида, спорт майдончаларида, кўм-кўк майсазор ерларда концерт дастурлари, аттракционлар, масхарабоз ва қизиқчилар мусобақаларини ўтказиш;

— «Гулла, яшна, ҳур Ўзбекистоним!» мавзусида асфальтда расмлар чизиш кўриги, «Менинг ижодим» мавзусида болалар қўли билан ишланган кўргазма ташкил этиш;

— республикамиздаги миллий кураш бўйича спорт усталарининг чиқишларини ташкил қилиш;

— кўчаларни болалар эртаклари расмлари асосида безаш.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини нишонлашда педагоглар жавобгарлиги ва масъулиятни яна ҳам чуқурроқ ҳис қилишлари лозим. Бу кўни болаларга холисанилло ёндошиб, ёмон ўқувчи, фаол ёки фаол бўлмаган ўқувчи деб ажратишлардан эҳтиёт бўлиш, имтиҳонлар ўтказиш, болаларни байрам тайёргарчиликларига жалб этиш мумкин эмаслигини унутмаслик керак. 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида меҳнат байрамларини ўтказиш ман этилади. Шаҳар, туман раҳбарлари томонидан текширувлар ўтказилмаслиги керак.

Республика ўқув-методика маркази.

ТАРБИЯЧИЛАР МУРОЖААТИ

Биз жумҳуриятимизнинг барча вилоятларидан республика мактабгача тарбия ходимлари малака ошириш курсларига ўқишга келган боғча тарбиячилари, методистлари, мудиралари ўзаро маслаҳатлашиб, ўлкамиздаги Қорақалпоғистон Республикасидаги мактабгача тарбия соҳасининг жами ходимларига мурожаат қилишга жазм этдик.

Кўп йиллар давомида биз орзу қилиб келган ва шу йил январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таъсис этган «Мактабгача тарбия» журнали нашр этилмоқда. Бу журнал миллий ва умуминсоний қадриятларнинг мактабгача тарбия соҳасидаги ифодачиси сифатида майдонга чиқмоқда. Унинг биринчи китобчаларини фақат биз — мутахассислар эмас, бутун жамоатчилик илиқ кутиб олди. Лекин журналнинг ҳозирги аҳволи ниҳоятда оғир — обунадан тушган маблағ унинг тўртта китобчасини чоп этишга зўрға етди. Март ойидан эътиборан икки китобчасини бирлаштириб нашр этаётганига қарамай, кейинги ярим йил учун пули ҳам, қоғози ҳам йўқ. Натижада журнал ёпилиш арафасида турибди. Аммо журналимизни сақлаб қолиш керак. Ҳашар йўли билан йўллар, мактаблар, шифохоналар, мачитлар, карвонсаройлар қурган саховатли халқимизни яхши биламиз. Катта Фарғона канали — улуғ бир дарёни 45 кунда қазиган ҳам ана шу заҳматкаш халқимиздир. Шунинг учун ҳам биз яна халққа мурожаат қиламиз. Мактабгача тарбия соҳасининг ҳамма ходимлари, тарбиячилар, болалар муассасаларидаги техник хизматчилар, педагогика институтлари, педагогика билим юртлари муаллимлари ва талабалари бир кунлик иш ҳақимизни «Мактабгача тарбия» ҳисоб рақамига жуда тез кунлар ичида ўтказсак, журнал иши ўнгланиб кетар эди.

Журнал ҳисоби: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Матбуот бирлашмаси ПСБ — Меҳнат, Тошкент шаҳри, код — 172682315 ҳисоб №100609809. «Мактабгача тарбия» журнали учун.

Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги барча бошқарув тизими ходимлари, барча муаллимлар ҳам ана шу мурожаатимизни қўллаб-қувватлашларини илтимос қиламиз. Ҳар бир тарбиячи отаоналарга ҳам ушбу мурожаатимизни етказишларини сўраймиз. Вилоят халқ таълими бошқармалари, ноҳия халқ таълими бўлимлари бу хайрли тадбирни ҳамманинг эътиборига етказишда ва уюштиришда астойдил саъй-ҳаракат кўрсатадилар, деган умиддамиз.

Ана шундагина севимли журналимиз «Мактабгача тарбия», албатта, яшаб қолади.

М. МУСУЛМОНОВА,
Жиззах вилояти Ғаллаорол ноҳиясидаги «Ирмоқча» болалар боғчаси мудираси.

Ҳ. ДАВЛАТОВА,
Сурхондарё вилояти Узун ноҳиясидаги «Гулғунча» боғчаси катта тарбиячиси.

Г. ҚУРБОНОВА,
Бухоро вилояти Қоракўл ноҳиясидаги «Бўстон» боғчаси тарбиячиси.

жами 30 имзо.

Ҳамкасблар ижоди

Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов ноҳиясидаги 14-мактаб ўқитувчиси истеъдодли шоир Уроқ Саидни ўқувчилар севимли устоз, ўқитувчилар эса ишбилармон ҳамкасб, биринчи тоифали мураббий деб ҳурмат қилишади. Унинг қатор тўпламлари чоп этилган. Мақола ва туркум очерклари эл оғзига тушган. Унинг жумҳуриятимиз матбуотида чиқишлари қуюнчак муаллимнинг келажак бунёдкорларининг баркамоллиги учун қайғуришларидан далолатдир.

Азиз ҳамкасбимизни туғилган куни ва педагогик фаолиятининг 30 йиллиги билан муборакбод этарканмиз, унга кўнглингиздаги эзгу орзуларингиз яна амалга ошсин, ҳамиша соғ ва бардам бўлинг, деймиз.

МАКТАБ ЖАМОАСИ.

КУЙЛАБ ЎТАР ТУРНАЛАР

(Вилоятимиздаги Қамаши туманининг тоғли Қизилтом қишлоғида Лайлининг тахти деган чўққи ва Лайлибулоқ деган булоқ бор).

Чўққи жуда-жуда юксак, ўйлаб ўтар турналар.
Лайли-Мажнун ғамли куйин куйлаб ўтар турналар.
Уч айланар булоқ ҳамда бу чўққига етганда,
«Қўл ташлашиб» бир-бирига, йиғлаб ўтар турналар...
Лайли чиқиб кўз ёшин тўкканмиш бу чўққига,
Ёрин сўраб, ҳайвонларни йиққанмиш бу чўққига,
Айрилиқнинг даҳшатини уққанмиш бу чўққида,
Мажнун дея ширин жонин тикканмиш бу чўққига.

Мажнунга деб шу булоққа оқизганмиш битигин,
Мажнунга деб турналардан юборганмиш хат тағин.
Мажнун дея лолаларга бермиш юрак чўғини,
Мажнун дея чўққи узра тикмиш ишқнинг туғини.

Мажнун деса даралардан келмиш бунда акс-садо,
Мажнун эса ўлган экан: келмас эмиш ҳеч нидо.
Лайли оҳин тинглар экан бундан туриб шоҳ-гадо,
Не одамки, бу фиғондан бўзлар экан қуш ҳатто...
Баҳор, кузда кўкка қаранг: тағин сарҳуш турналар,
Булоқ узра уч айланса, яна қалбинг тирналар,
Қушлар шундай қадрларкан буюк севги-вафони,
Қаторидан хато тушмай чулғар зангор ҳавони...

ЯРИМ ҲАЗИЛ, ЯРИМ ЧИН ШЕЪР

Бир пайтлари шеър битардим она тилимда,
«Зўр» таниқдчи пайдо бўлди назм йўлинда.
Ёзганларим кўрса, ҳар вақт «ўққа» тутди у,
Ўзи хурсанд, менга эса солди кўп қайғу:
«Темурлангни ёзма, — дейди, — Невскийни ёз,
Жалолиддин — ғирт босмачи, Хмельницкий — соз!»
«Навкар» сўзим сўнг ўчириб, «солдат», ёзди у,
Хуллас калом, хўп савалаб гўрим қазди у.
Шундан кейин: «Бор-ей, дедим, унга эргашдим,
Ҳар гал русча сўзлар битиб, тилимдан қочдим.
Ўйлаб кўрсам, тарихни ҳам бузибди шулар —
Оврупога сажда қилган ялтоқ тулкилар...
Ўй сураман: ўзбекману ўзбеклик қани!!
Шу тилимда Яссавий ҳам сочганди маъни.
Нодираю Маҳзуналар сўзни шаъм этиб,
Минглаб қалбни лашкари-ла олди забт этиб.

Бундан кейин авлодларга қайси юз билан,
Муқимийни англатгайман қайси сўз билан...
Оллоҳ, сенга ёлборай: ким тилфуруш банда,
Қўш дунёнгдан нажот топмай бўлсин шарманда!

Уроқ САИД,
Қашқадарё вилояти У. Юсупов ноҳияси, Ҳайит Кенжаев номли мактаб.

СТИПЕНДИЯ ТАЙИНЛАНДИ

Қоракўл шаҳрида риёзиёт ва физика фани бўйича махсус мактаб-интернат очилганига унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у ерда таълим олаётган ўқувчилар жумҳурият олимпиадасида фахрли ўринларни эгаллашди. Ана шу баҳслашувда ўз иқтидорини кўрсата олган мактаб-интернат ўқувчиси М. Жумаева ҳар ойда Улуғбек жамғармаси ҳисобидан 100 сўм миқдорида стипендия оладиган бўлди.

О. ТУРСУНОВА.
Бухоро вилояти.

Қутлайиз!

Қадрли ҳамкасбларимиз Зикир УСМОНОВ, Фозил НУЪМОНОВ, Маҳмуд ТУХТАСИНОВ, Фарида РАҲИМОВА, Ҳолида ИРИСБОЕВА, Сайёра АБДУЛЛАЕВА!

Сизларни кўп йиллардан бери нафақат болаларнинг севимли ўқитувчиси, балки биз каби ёш муаллимларнинг меҳрибон устози сифатида яхши биламиз. Ўнлаб йиллар мобайнида орттирган илму-тажрибаларингиздан баҳраманд бўлганлар ҳозирда ўқувчиларга билим бериш борасида тинмай фаолият кўрсатишяпти.

Илм масканимизнинг 10 йиллиқ тўйи нишонланаётган ушбу кунларда сизларни табаррук ёшларингиз билан муборакбод этамиз. Фарзандларингиз ва шогирдларингиз бахтига ҳамиша соғ-омон бўлингизлар!

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ 177-МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Қутлаймиз!

Ҳурматли Гулсум Раҳимовна, Муҳтарам устоз!

Сизни муборак ёшингиз билан қутлаймиз! Сиз 80 йиллик сермазмун ҳаётингизнинг 60 йилини илмий-педагогик меҳнатга, ёш авлодни мукаммал инсон қилиб тарбиялашдек хайрли ишга бахшида этдингиз. Сизнинг саховатли қалбингиз меҳридан, илму маърифатингиз знёсидан баҳраманд бўлган шогирдларингиз ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида меҳнат қилмоқдалар.

Сизни қутлуғ ёшингиз билан муборакбод этар эканмиз, қалбларимиз завққа тўлиб, бир умрда уч умр савобига сазовор бўлган оқила, доно ва билимдон олимга яна узоқ умр тилаб қоламиз.

Сизнинг самарали меҳнатингиз, собит эътиқодингиз олдида шогирдларингиз доимо таъзимдадирлар.

ЎзПФИТИ маъмурияти.

Қутлаймиз!

Азиз Ахборхон ҲАЙДАРОВ!

Таваллудингизнинг муборак 60 йиллиги ва педагогик фаолиятингизнинг 40 йиллиги билан самимий қутлаймиз. Сиз ўз касбининг ҳақиқий билимдони, ёшларнинг меҳрибон мураббийси сифатида машаққатли йўлни босиб ўтдингиз. Сизнинг фидойи хизматларингиз туфайли шогирдларингиз кимё фани сирларини қунт билан ўрганиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида виждонан меҳнат қилиб, ишончингизни оқлашмоқда.

Ушбу муборак айёмингизда барча орзуларингиз рўёбга чиқсин. Қутлуғ йўлингиз нурафшон бўлиб, умрингиз асрлар янглиғ боқий бўлсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 229-МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Қутлаймиз!

Ҳурматли Матлуба Турсунбоевна ҚОРАХОНОВА!

Мана, Сиз бир неча йиллар мобайнида мурғак қалбларга меҳр-мурувват, шафқатлилик, самимийлик, инсонларга хушмуомала бўлиш каби хислатларни сингдириб келмоқдасиз. Сиз қаерда бўлманг, ўша ерда ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашдек шарафли, аммо ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли касбинг ҳақиқий устаси эканлигингизни - кўрсата олдингиз.

Онлада эса меҳрибон она, қўли гул чевар, пазанда аёл сифатида бахт ва иззатлар эгасисиз.

Бугун биз Сизни таваллудингизнинг 40 йиллиги муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга сихат-саломатлик, бахтли ва осуда умр тилаймиз.

ТУРМУШ ЎРТОҒИНГИЗ САИДИВАЛИ ҲАМДА ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ САИДАҲМАД, УЛФАТ ВА МУЗАФФАРЛАР.

Қутлаймиз!

Ҳурматли устозимиз Ботиржон ЖАВЛОНОВ!

Сизни табаррук 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Келгусидаги фаолиятингизнинг янада сермаҳсул, тану-жонингиз соғ-саломат бўлишини тилаймиз.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙХУНОБОД РАЙОНИДАГИ 28-МАКТАБ АҲЛИ.

Қутлаймиз!

Муҳтарам Тожой ая ТАЛХАТОВА!

Кўп йиллардан буён илм уммонига пойқадам бўлиб келаётган болакайларни етаклашдек, ҳам машаққатли, ҳам лаззатли бу касбингизга ҳавас қилса арзийди. Қўлига илк бор қалам тутиб ёзишни, ҳижжалаб ўқишни ўрганганлар бир умр сизни унутишмайди.

Бир гуруҳ ҳамкасбларингиз 40 ёшингизни қаршилаётган ушбу кунда Сизга соғлиқ-саломатлик, онлангизга ҳотиржамлик тилайди.

АРНАСОЙ РАЙОНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ, УЛУҒБЕК НОМЛИ МАКТАБ ЖАМОАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН — ОЛМОНИЯ ҲАМДЎСТЛИГИ

ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Хорижий мамлакатлар билан алоқани янада яхшилаш, уларнинг фан ва техника, шунингдек маориф соҳаларида эришган ютуқларини республикамизда жорий этишнинг асосий воситаларидан бири чет давлатлар халқларининг тилларини яхшироқ ўрганишдир.

Чет тилларни ўрганиш масаласини ижобий ҳал қилиш Вазирлар маҳкамаси ва Халқ таълими вазирлиги билан бир қаторда, Республика ўқув-методика маркази (РЎММ)нинг ҳам ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан биридир.

Ўзбекистонда инглиз тилига бўлгани сингари олмон тилини ўрганишга ҳам қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Чунки Олмония илм-фан соҳасида катта ютуқларга эришган мамлакатлардан биридир. Ҳозирги кунда Европанинг 18 мамлакатидаги 92 миллион аҳоли олмон тилини давлат ёки расмий тил деб ҳисоблайди ва шу тилда муомала қилади.

Олмон тилини ўрганиш доираси кенг бўлиб, у Ўзбекистон Республикасидан тортиб Польша, Руминия, Бельгия, Дания, Швеция, Испания, Бразилия, АҚШ, Фарангистон, Люксембург, Туркия ва бошқа мамлакатларни қамраб олган. Фақат АҚШнинг ярим миллион ўқувчи ва талабалари олмон тилини ўрганаётган бўлса, жумҳуриятимизда 1 миллионга яқин ўқувчи олмон тилида умумий сабоқ чиқармоқда, 3 минга яқин ўқувчи эса олмон тилини мукаммал ўрганмоқда.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимиз танлаётган Туркия йўлининг асоси ҳам аслида Олмониядан олинган десак муболаға бўлмайди.

Кейинги йилларда турк-олмон ҳамдўстлиги янада кенгаймоқда. Олмон дорилфунуни ва гимназияларида минглаб турклар ҳозир ҳам турли соҳалар бўйича билим олмоқдалар. Уларга бу соҳада Гёте институти катта ёрдам бераётир. Ўз она тилисининг равнақи учун жон куйдираётган бу институт дунёнинг 73 мамлакатида 160 та таянч нуқталарини ташкил этишга эришди. Шундай таянч нуқталар Москва, Санкт-Петербург, Тбилиси ва Олмоата каби шаҳарларда ҳам бор. Институт ўзининг бу таянч нуқталари орқали олмон тилини ўрганувчиларга услубий ва амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатмоқда. Республика ўқув-методика марказининг директори Насирулло Мирқурбоновнинг Олмонияга қилган сафари ҳамда у сафардан олиб келган кўпгина ўқув-методик адабиётлар ва кўргазмали қуроллар ҳам Гёте институти ва илм-фан соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг тажриба алмашувига кўмаклашувчи Олмон хизматининг маҳсулидир.

Ўзбекистон маорифини янги босқичга кўтариш учун Олмонияга қўйилган бундай илк қадамни янада ривожлантириш мақсадида Республика ўқув-методика маркази негизида алоҳида бир бўлим ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирнинг ўзидаёқ тажриба тариқасида РЎММ негизида «Чет эл педагогика тажрибаларини тарғибот қилиш ва халқаро алоқалар бўлими фаолият кўрсатаётир. Уерда тажрибали мушовирлар Олмониядан олиб келинган ўқув дастурлари ва режалари ҳамда методик адабиётларни ўрганиш устида иш олиб бормоқдалар. Яқин кунларда бу методик материаллар Республикамиз ўқитувчиларига тавсия этилади.

Ўзбекистон-Олмония ҳамдўстлик алоқасининг бундай усулда йўлга қўйилиши мутахассисларимизнинг методик ва тилни мукаммал ўрганишлари жиҳатидан билимларини янада оширишга имкон яратади.

Фурсатдан фойдаланиб, олмон тили ўқитувчилари ва барча қизиқувчиларни Республика ўқув-методика маркази биносида ташкил этилган «Олмонияда таълим» мавзусига оид кўргазмага таклиф этамиз.

М. АББОСОВА,
чет эл педагогик тажрибаларни тарғибот қилиш ва халқаро алоқалар бўлими мудири, филология фанлари номзоди.

Т. ОЧИЛОВ,
методист.

БОСМАХОНА-НУРХОНА

(ЯНГИЙЎЛДАГИ 2-СОНЛИ БОСМАХОНА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНИГА 60 ЙИЛ БЎЛДИ).

Яқинда Хоразм вилояти мактабларидан бирида ўқувчилар билан учрашув кечасида бошловчи «Ўқитувчи» нашриётида хизмат қилишим ҳақида гапириб берди. Шунда ўқувчилар дарсликларнинг яратилиши, уларни чоп этиш корхонаси билан қизиқиб қолишди. Ҳа, кўпчилик болалар, шунингдек айрим ўқитувчилар ҳам китоб нашри тўғрисида тўла тасаввурга эга эмасликлари аён бўлди. Бас, шундай экан, шу хусусда тасаввур ҳосил қилиш лозим, албатта.

«Ўқитувчи» нашриётининг кўпчилик китоблари Янгийўлдаги 2-сонли босмахонада босилади. Бу босмахона нашриётга қарийб 60 йилдан буён яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ноширларнинг беминнат меҳнатлари туфайли бутун ўзбек халқи болалари билим нурхонасидан зиё олмоқдалар.

Куни-кеча Янгийўл ижара китоб фабрикаси директори Турсун Исабоев билан учрашиб қолдим. У ўзи раҳбарлик қилаётган корхона ҳақида тўлқинланиб гапирди:

— Бизнинг босмахонамиз 1932 йилда ташкил топган. Йиллар давомида босмахонамиз тараққий қилди. 1991 йилдан эътиборан ижара усулида, янги технология асосида ишлаяпти. Теришш, босиш, муқовалаш жараёнлари такомиллашди. Уша ишларни илгари 357 нафар киши бажарган бўлса, ҳозирги кунда 321 нафар ишчи адо этмоқда. Ютуқларимизда дастурчи И. Вебер, китоб босувчи А. Бекжонов кабиларнинг хизмати жуда катта. Фабрикамиз жамоаси аҳил, барчаси бир ота-онанинг фарзандларидай меҳнат қилишади...

Янгийўлдаги 2-сонли ижара китоб фабрикасини нурхона дегимиз келади. Чунки олимлар, ёзувчи ва шоирлар томонидан яратилган асарлар ўша жойда бир жилдга жамланиб, ўқувчилар қўлига етказилади.

Сафо ОЧИЛ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат мактабига иқтидорли болаларга мўлжалланган гуманитар йўналишдаги:
— она (ўзбек) тили ва адабиёти;
— тарих;
— санъат.
ихтисосликлари бўйича 9-синфга ўқувчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил.

Машғулотлар давлат тилида олиб борилади. Шунингдек, инглиз ва араб тиллари чуқур ўргатилади. Иқтидорли йигит ва қизлар мактабни тугатгач, хорижий давлатларга ва Республика олий билимгоҳларига йўлланма оладилар.

Мактабга қабул қилиш тест услуби ва ижодий баён, касбга оид савол-жавоб ва суҳбат тарзида танлов асосида ўтказилади.

Ҳужжатларни топшириш муддати — 1 июндан — 8 июнгача. Кириш суҳбати 8 июндан — 14 июнгача.

Мактабга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим:
— директор номига ариза;
— туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусҳаси;
— ўқувчининг шахсий делоси — (табеллари);
— 26, 63-форма бўйича саломатлиги тўғрисида маълумотнома;
вилоят халқ таълимининг йўлланмаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700135, Тошкент шаҳри, Чилонзор метроси «Ц» квартали. Телефон: 76-59-50, 76-37-23.

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

● Агар Сизларни ҳаво кемалари ишлаб чиқариши, илғор технология ҳамда юқори маош қизиқтирса,
● агар Сизлар авиация техникумида, олий техника ўқув юртларида имтиёзли шарт-шароитларда ўқишни давом эттириш ва вақти келиб, ишлаб чиқариш сардорлари бўлишни истасангиз,
● БИЗГА, С. И. ҚАДИШЕВ НОМИДАГИ 33-ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ.

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва унинг ён атрофида жойлашган районларнинг аҳолиси қабул қилинади.

Биз В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаймиз:
1. Учиш аппаратлари слесарь-йиғувчиси;
2. Механика-йиғув ишлари слесари.
3. Деталлар тайёрлаш ва уларни қиёмига етказувчи слесарлар.
4. Кенг профилли дастгоҳчи.
5. Рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳ оператори.
6. Силлиқлаштирувчи.
7. Электр-газ пайвандчиси.
8. Тикувчи-моористка (қизлар учун).
Ўқиш муддати: 6 ойдан 3 йилгача.

Қабул шартлари: ҳунар-техника билим юртлари учун умумий тарзда.
Маълумоти: 9-11-синфлар (8-синф истисно тарзида).
СИЗЛАР УЧУН:
***Беш кунлик ўқиш ҳафтаси.**
***Юқори стипендия.**
***Икки маҳал бепул сифатли овқат ва кийим-кечаклар берилади.**
Замонавий жиҳозлар ва электроника билан таъминланган устахона ва кабинетлар.
Олий тоифадаги усталар ва ўқитувчилар хизматингизда бўлади.
Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида практика пайтида маош тўлиқ берилади.
Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.
МАДАНИЙ ДАМ ОЛИШИНГИЗ УЧУН:
спорт зали, тренерлар — спорт мастерлари, вокаль-чолғу дастаси, миллий чолғу асбоблари дастаси, духовой оркестр, радио тўгараги, тасвирий санъат студияси, компьютер техникаси тўгараги хизматда бўлади.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700207, генерал Петров кўчаси, 331-уй.
Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи М. РАҲМОНОВ.

Т. Н. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти жамоаси илмий ходим Муҳтарам Рихсиевага отаси **Маҳмуджон СОДИҚОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати ва математика факультети жамоаси «Алгебра ва сонлар назарияси» кафедрасининг доценти Толиб Ёқубовга онаси **Бахри ЖАЛИЛОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
№ Г — 88. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.10. Тиражи 15000.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12